ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

ТАРИХИЙ МАВЗУДАГИ АСАРЛАРДА КЛАССИК РЕАЛИЗМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшова Сурайё Бахтиёр қизи
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий
Рассомлик ва Дизайн институти магистри
https://doi.org/10.5281/zenodo.23372793

Аннотация

Мақсад: Мақоланинг асосий мақсади Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги давр тасвирий санъатида, хусусан, тарихий рангтасвир ва портрет жанрида классик реализм анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари ҳамда ўзбек рассомлари ижодидаги бадиий ифодасини таҳлил қилишдан иборат.

Усул: Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий таҳлил ва санъатшунослик таҳлили усулларидан фойдаланилган. Унда таниқли рассомлар А. Икромжонов ва А. Аликуловларнинг тарихий асарлари ҳамда монументал деворий суратлари Европа (Голландия, Польша) классик мактаблари анъаналари билан қиёсий равишда ўрганилган.

Натижа: Мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш ва давлатчилик тарихини тарғиб қилиш мақсадида тарихий ва жанговар (батал) жанрларга эътибор кучайгани аниқланди. Рассомлар ижодида классик реализм ва романтизм уйғунлиги кўзга ташланиши (масалан, портретларда психологик чуқурлик, либослар ва қуролларнинг аниқ тасвирланиши), шунингдек, Шарқ ва Ғарб анъаналарининг ўзига хос синтези юзага келгани рассомлар асарлари мисолида кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, айрим ёш ижодкорлар асарларида схематизм ва композицион яхлитлик етишмаслиги каби камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Хулоса: Мустақиллик даври ўзбек рангтасвирида тарихий мавзулар ғоявий-мафкуравий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, рассомларга классик анъаналарни эркин талқин қилиш имконини берди. Бу жараён портрет ва монументал рангтасвирда "классика" тушунчасини бойитди. Бироқ, тарихий жанрдаги бадиий сифатни янада ошириш учун рассомлардан классик анъаналарни юзаки эмас, балки янада чуқурроқ англаш ва ўрганиш талаб этилади.

Калит сўзлар: классик реализм, ўзбек рангтасвири, мустақиллик даври санъати, психологик портрет, монументал рангтасвир, миллий колорит, бадиий синтез.

Рангтасвирдаги изланишлар ижод эркинлиги турли услуб ва йўналишларнинг ривожланишига Мустақилликдан сўнг эришдик. «Санъатни баҳолаш мезонини ижодкорнинг шахсий ўй ва кечинмалари белгилай бошлади. Мустақиллик йиллари рассомлик санъатининг мавзуси кенгайди. Энг аввало, миллий тарих билан боғлиқ воқеалар кўпчилик рассомларни ўзига жалб этди.»[441]

1990-йилларда ўзбек рангтасвирида миллий тарихий тематикага мурожаат етакчи йўналишлардан бирига айланди. Тарихий мавжунинг актуаллашуви биринчи навбатда сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга эди. Миллий суверенитетга эришилган янги мамлакатнинг давлатчилик тарихи, бой маданий меросини тарғиб қилиш рангтасвир ижодкорлари олдидаги етакчи вазифалардан бири сифатида белгиланди. Юқоридаги жараён табиий характерга эга бўлиб, тарихий воқеликни қайта англаш рангтасвир ижодкорлари учун муҳим эди. Мазкур тенденция минтақавий характерга эга эканини ҳисобга олиш зарур. Мутахассислар ҳақли равишда белгилаб

ўтганидек, 90-йиллар рангтасвиридаги муҳим янгиликлардан бири «тарихий-ватанпарварлик мавзуси билан боғлиқ бўлиб, тарихий картина ва тарихий портрет йўналишларининг ривожланиши учун янги импульс берди. Ҳар бир республикада тарихий арбоблар, шоир ва файласуфларнинг портретлари галереяси юзага келди».[442]

Тарихий мавжуга мурожаат қилишда реалистик ёндашув асосий ўрин эгаллади. Тарихий мавжуда яратилган деярли барча асарларда классик реализмнинг маълум даражадаги таъсирини кўриш мумкин. А.Икромжонов томонидан яратилган тарихий портретлар туркумида ҳам Европа реализмига хос ҳаққонийлик устувор аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ижодий етукликка эришган рассомнинг тарихий портретларида реализм тушунчасига кенг муносабат мавжуд. Классик реализм анъаналарининг ёркин ифодасини «Мирзо Улуғбек» портретида кўрамиз. Мусаввир изланишларига, айниқса, XVI-XVII голланд рангтасвири кучли таъсир кўрсатгани сезилади.

Европа реализми билан уйғунлик темурий ҳукмдор сиймосининг чуқур психологик тасвирида яққол акс этади. Қаҳрамон нигоҳларига алоҳида урғу берган А.Икромжонов Мирзо Улуғбек қиёфасида Амир Темурнинг рамзий сиймосини уйғунлаштиради. Голланд рангтасвирининг тасвири портретнинг колористик ечимида ҳам кўринади. Мисол учун «Амир Темур» (2002) портретида буюк саркарданинг ҳашаматли либоси, қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган қурол-яроғини акс эттиришда образнинг ҳаққоний, психологик кечинмалари ҳам ҳисобга олинган. Классик анъаналар тарихий мавзудаги ривожланинг муҳим йўналишларидан бири батал жанри билан узвий боғлиқ. Мустақиллик йилларига қадар ўзбек рангтасвирида жиддий аҳамият касб этмаган ушбу жанр анъаналарига мурожаат Алишер Аликулов ижодида салмоқли ўринга эга. «Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси» (1996) йирик монументал асари композицион мураккаблиги билан ажралади. Образларнинг ўта зич жойлашуви мақондан максимал даражада унумли фойдаланишни талаб этади. Алишер Аликулов учун бу борада поляк рассоми Ян Матейко ижоди ўзига хос намуна сифатида хизмат қилади. Матейконинг батал картиналарида кузатилганидек, Алишер Аликулов ҳам асосий эътиборни воқеаларнинг кўлами ва динамикасини тасвирлашга қаратади. Алишер Аликулов ижодий изланишларининг кенг кўламини белгиловчи хусусиятлардан бири шундаки, уларда антик давр анъаналарига ҳам мурожаат мавжуд. «Қадимий Бақтриядаги спорт ўйинлари» (1996) маҳобатли асарида рассом антик анъаналарнинг ўзига хос талқинини яратади. Антик санъат Марказий Осиё қадимий Ғарб анъаналарининг ўзига хос синтезини амалга оширади. Деворий суратнинг биринчи планида бақтриялик спортчиларнинг сиймолари акс этиб, улар барчаси шарқона либосда намоён бўлади. Рассом изланишлари ўзбек рангтасвирида батал жанрини ривожлантириш имконини бергани билан аҳамиятлидир. «Қадимий бақтрияда спорт ўйинлари» 1996й асари мураккаб тасвирларга бой йирик жанг саҳналарининг реалистик кўринишини яратишда мазкур камчилик яққол акс этади. Машҳур батал усталари каби кенг кўламли воқеаларни тасвирлашга интилишсада, уларга кўп ҳолларда табиийлик, шакллар гармонияси ҳамда яхлитлик етишмайди.

Юқоридаги камчиликлар тарихий мавзуда ижод қилаётган бир қатор ёш рассомлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Уларда классик анъаналарга юзаки муносабат мавжуд бўлиб, тарихий мавзудаги асарларнинг бадиий жиҳатдан саёзлашуви, схематик ёндашувларнинг кўпайишига туртки беради.

Мустақиллик даврида классик анъаналар ривожини таҳлил қилар эканмиз, мазкур жараёнда тарихий мавзудаги асарлар ҳам салмоқли ўрин эгаллашини таъкидлаш лозим. Тарихий мавжу ривожи сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга бўлса-да, классик анъаналарга мурожаат ҳар бир рассомда эркин кечди. Ижодий изланишлар айни пайтда «классика» тушунчасининг кенгайишига

ҳам туртки берди. Портрет жанрида бу реализм, романтизм анъаналарига мурожаат қилиш билан белгиланса, маҳобатли рангтасвирда батал жанри анъаналари ривожи кузатилади. Мавжуд муаммолар эса изланишларни давом эттиришни, классик анъаналарини янада чуқур англашни талаб этади.

[441] Абдуллаев Н. ЎзбекистонМиллий портрет санъати. – Тошкент, 2011. – Б. 13.

[442] Ахмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004. – Б. 127.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон Миллий портрет санъати. – Тошкент: 2011.
2. Веймарн Б. Искусство Средней Азии. М. – Л., «Искусство», 1940.
3. Веймарн Б., Черкасова Н. Искусство советского Узбекистана. Очерки.Живопись. Графика. Скульптура. М., «Искусство», 1960.
4. Маҳмудов Т. XX аср санъатида реализм. – Санъат, 1999/1-сон.
5. Хакимов А.А 1920-1980 йиллар Ўзбекистон санъати. – Санъат 1999йил/4сон.
6. Хакимов А.А. Искусство нового Узбекистана. – Санъат, 1999 йил/2сон. 411 - 413